



Султон Абусаъид Мирзо (1424-1469) Бобурнинг бобоси, Амир Темурнинг учинчи ўгли Мироншоҳнинг невараси. Ёшлик даври хақида маълумот йўқ. 1448 й.гача Улугбек саройида яшаган. Улугбек вафотидан сўнг тахт учун курашга киришган.

Абдуллатиф Мирзо унинг исёнини бостирган ва ўзини Бухорода хибсда сақлаган. Абдуллатиф ўлдирилгандан кейин озодликка чиққан Султон Абусаъид ўша вақтда тахтни эгаллаган Абдуллох Мирзодан ҳокимиятни тўртиб олиш учун курашган. Бу курашда дастлаб Абдуллох Мирзонинг қўли баланд келган. У Султон Абусаъидни тор-мор келтирган. Султон Абусаъид қочиб, Дашти Кипчокка - Абулхайрхон олдига бориб, ёрдам сўраган. 1451 й. улар биргаликда Абдуллох Мирзони мағлубиятга учратган. Абдуллох Мирзо жангда ҳалок бўлган. Шу тариқа Султон Абусаъид Мовароуннаҳр тахтини эгаллаган. Самаркандни забт этиш мақсадида қўшин тўртиб келган Абулкосим Бобурнинг ҳужумини муваффақият билан қайтарган (1453 й.). Абулкосим Бобур ўз мақсадига эриша олмагач, улар орасида сулҳ тузилган. 1457 й. Абулкосим Бобур вафот этганини эшитгач, Султон Абусаъид Самаркандни катта ўгли Султон Аҳмад Мирзога қолдириб, дарҳол Хиротга юриш қилади ва уни эгаллайди. Шу тариқа Хуросон ва Мовароуннаҳр қайтадан бирлаштирилиб, Темурийлар давлати-да марказий ҳокимият тикланади. Султон Абусаъид каттикқўллиги билан ном чиқарган: Улугбекнинг иккита невараси ва онаси - кексайиб қолган Гавхаршод Бегимни қатл қилдирган, Абдуллатиф Мирзонинг ўглини Ихтиёриддин қалъасига қаматиб, сўнгра ўлдиртирган. Алишер Навоийга эътибор қўрсатилмаган. Султон Абусаъид ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам нисбатан тинчлик ўрнатилиб, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланган, қўшни ўлкалар билан элчилик муносабатлари ўрнатилган. У Мўғулистон хони Юнусхон билан қудда-андачилик қилган - унинг уч кизини уч ўғлига олиб берган ва шу йўл билан шимолдан Фаргона водийсига бўладиган хавфнинг олдини олган. Қурилиш ишларига катта эътибор берган. Ариқлар қазитиб қўприқлар қурдирган, савдогарлар учун қўплаб қарвонсаройлар барпо қилдирган. Шаҳар дарвозаларини янгилатиб, янги бог-роғлар солдирган. Аммо мулкни кенгайтириш қайфияти устунлик қилиб, 1469 й. Ирокни босиб олиш учун уруш бошлайди. Аммо Тоғли Қорабоғда мағлубиятга учраб, асир тушади. Оккўюнли Узун Хасан уни Ёдгор Муҳаммад Мирзога

топширади. У Шохрух авлодидан эди. Гавхаршод Бегимни катл этгани учун Ёдгор Мухаммад Мирзо Султон Абусаъидни ўлимга ҳукм қилади (1469 й.).Султон Абусаъид сиёсий фаолиятининг аҳамиятли жихати - қисқа муддат бўлса ҳамМовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштира ол-ган. Бу ҳол Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволига, савдо-сотиқ ва б. соҳалар ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Султон Абусаъид ўлиmidан сўнг Темурийлар давлати яна бўлиниб кетган.Султон Абусаъид Султон Хусайн тақдирида ҳам муайян роль ўйнаган - 1455 й. Султон Хусайнни ўзига қарши фитнада айблаб қамаб қўйган. Унинг акаси Бойқаро Мирзо, поччаси Султон Аҳмад Мирзо, жияни Кичик Мирзо ҳам ҳибсга олинган, Султон Хусайннинг онаси Феруза Бегим Хиротда бу хабарни эшитиб Абулқосим Бобурга арз қилган. Абулқосим Бобур Самарқандга элчи юбориб, Султон Абусаъиддан Султон Хусайн ва унинг қариндошларини озод этишни талаб қилган. Султон Абусаъид маҳбусларни озод қилган.Султон Абусаъиднинг Алишер Навоий ва унинг яқин қариндошларига муносабати салбий бўлган - Навоийнинг икки тоғасини катл эттирган. Султон Абусаъид ҳукмронлик қилган йиллар Алишер Навоий ҳаётининг энг оғир даври бўлган. Бунга қарамасдан Султон Абусаъид ҳақида Навоий ўз асарларида айрим маълумотларни келтирган. «Хайратул-аброр» достонида «Султон Абусаъид Қўрагон ҳикояти» бобини қиритган.Султон Абусаъиддан қўплаб (ҳаммаси бўлиб 25 та) ўғил-қиз қолган. Бобурнинг отаси Умар шайх Мирзо унинг тўртинчи ўғли эди.“Б.”да Султон Абусаъид номи қўп марта турли муносабатлар билан эсланган, жумладан, у тахтга ўтирганидан сўнг Юнусхонни таъқибдан қутқариб, Мўғулистонга хон қилиб тайинлаган ва улар иккиси қудатутинганига оид (“Б.”, Юаб) воқеалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедиясидан